



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ХИЗМАТЛАРНИ МАРКАЗЛАШТИРИШДА ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Мухитдинов Ахрор Анварович

Тошкент ахборот технологиялари университети

ORCID: 0009-0002-0143-9667

Аннотация. Мазкур мақолада рақамлаштириш жараёнларининг иқтисодий асосга эга концепция, илмий-назарий қарашлар ҳамда ёндошувларнинг рақамли иқтисодиёт хизматларининг марказлаштирилишидаги аҳамияти ва ўрни борасида маълумотлар қаламга олинган. Таъкидланишича, рақамли технологиялардан фойдаланиш диспетчерлик хизматининг рақамли ривожланиши ва унинг хизмат кўрсатиш сифатининг оперативлигини ошириш юзасидан такомиллашуви ўзига хос бизнес-моделларни амалиётга тадбиқ этишни тақозо этмоқда.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, марказий бошқарув, диспетчерлик хизмати, оператив бошқарув фаолияти.

ЭКОНОМИКО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В УСЛОВИЯХ ЦЕНТРАЛИЗАЦИИ УСЛУГ

Мухитдинов Ахрор Анварович

Ташкентский университет информационных технологий

Аннотация. В данной статье написана информация о значении и роли концепций цифровой экономики, научно-теоретических взглядах и подходах в централизации услуг цифровой экономики. Отмечается, что цифровое развитие диспетчерской службы с использованием цифровых технологий и повышение оперативного качества ее обслуживания требуют реализации конкретных бизнес-моделей.

Ключевые слова: цифровая экономика, централизованное управление, диспетчерская служба, оперативно-управленческая деятельность.

ECONOMIC THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE DIGITAL ECONOMY IN THE CENTRALIZATION OF SERVICES

Mukhitdinov Ahror Anvarovich

Tashkent University of Information Technologies

Annotation. In this article, information about the importance and role of digital economy concepts, scientific-theoretical views and approaches in the centralization of digital economy services has been written. It is noted that the digital development of the dispatching service using digital technologies and the improvement of its operational quality of service require the implementation of specific business models.

Key words: digital economy, central management, dispatch service, operational management activities.

Кириш.

Рақамлаштириш тушунчаси бугунги куннинг ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жамиятнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Ҳар қандай хизматларнинг масофани ҳамда инсониятнинг вақт сарфлашига нисбатан рақамлаштирилишнинг қўлланилиши ишлаб чиқаришдан ижтимоий ривожлантиришга кўчиши рақамлаштиришда оддий халқни ҳам иштирок этишини таъминлади. 1980 йилларнинг сўнгига келиб рақамли технологик революция нафақат иқтисодиётни, балки ижтимоий қарашларни ҳам янги босқичга чиқишига етаклади.

“Мануфактура” тушунчаси ва у билан боғлиқ революция тарих саҳифаларни мутолаа қилувчилар учун хайратланарли воқеалар кетма-келиги сифатида танилсада, бугунги кун жамияти бу каби технологик ўзгаришларни талаб этилган технология сифатида қарши олади. Рақамлаштириш тушунчаси йирик кўламдаги ахборотнинг йўғон тасмали тармоқлар орқали Интернетга иқтисодий маълумотларнинг юкланиши асосида юзага келди. Бунинг натижасида хизматлар ва маҳсулотларни савдосини амалга ошириш учун Интернет тармоқлараро йирик платформаларидан фойдаланишда бизнес-модел сифатида қўлланилишига имкониятлар яратиб берди.

Рақамлаштириш борасидаги илмий қарашларнинг ўсиши натижасида, нафақат техник-иқтисодий, балки ижтимоий ҳамда экологик ўлчовлар учун аҳамияти ошиб борди. Бу ўз навбатида рақамлаштириш ва у билан боғлиқ соҳаларнинг тавсифланишига, тамойилларини ҳамда омилларини хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш тармоқларига қаратилган гуруҳларга ажратишга олиб келди: рақамли иқтисодиёт, рақамли технология, рақамли автоулов, рақамли емакхона, рақамли алоқа ва ҳ.к. Шунга кўра, рақамли иқтисодиёт тушунчаси наноиқтисодий назариянинг асосий категориялари қаторидан ўрин эгаллади.

Адабиётлар шарҳи.

Рақамли иқтисодиёт тушунчаси ахборот технологияларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, унинг алоҳида фан сифатида ажралиб чиқишига дастлабки қадам 2000 йилнинг ахборот асри сифатида қарши олиниши билан асосланади.

Социолог Кастельснинг (2010) фикрига кўра, ахборот асри инсоният тарихидаги асосий ўзгаришларга сабабчи давр саналиб, у микроэлектрон ахборотлар ва коммуникацион технологияларнинг генетик муҳандисликнинг асосий технологик парадигмасини асосини ташкил этади. Бу хусусият маълум даврга тегишли технологик парадигмаларнинг саноатлаштириш даврида энергия тақсимотини бошқаришга асосланади ва чексиз такомиллаштириш имконини беради.

Рақамли иқтисодиёт даставвал электрон иқтисодиёт, интернет иқтисодиёти сифатида талқин этилган. Унинг рақамли мақомини олишига сабаб электрон воситаларнинг тижоратлаштирилиши саналади. Бу ўз навбатида тадбиркорликда хизматлар бозори савдосини амалга оширишда электрон валюталарни шакллантиришга туртки бўлди (Steve Kinney, 2018).

Рақамли иқтисодиёт атамаси 1990 йилдан бошлаб АҚШнинг Нью-Йорк университетининг марказий тадқиқотларида тадқиқ этилган мақола ва рисоаларида қайд этилган ва қўлланилган бўлсада, Канада иқтисодчиси Дон Тепскотнинг 1995 йилда илмий рисола сифатида нашр этилган “рақамли иқтисодиёт: тармоқ интеллекти давридаги хавфлар ва ваъдалар” номида аталганлиги орқали оммалашиб кетишига сабаб бўлди.

Рақамли иқтисодиёт концепцияси 1995 йилда АҚШ ахборот технологиялари мутахассиси Н.Негропonte томонидан “атомларни битларни қайта ишлашга ўтказиш” мулоҳазаси асосида юзага келди. Бунда Негропonte одатий маҳсулотларнинг физик хусусиятларидаги камчиликларни бартараф этишга имкон берувчи янги иқтисодиётнинг глобал муҳитни ўзгартириши ва унинг қудрати борасидаги фикри

иқтисодчиларнинг инжиринг соҳаси профилига бўлган талабни ошириши ҳамда рақамлаштиришда иқтисодчиларнинг қарашларининг изчиллигини оширилиши билан шаклланди (Матвеев, 2012).

АҚШ аҳолисини қайд этиб боровчи Бюронинг директори ҳамда иқтисодчи статисти Томас Мезенбург (2001) рақамли иқтисодиёт концепциясини 3 асосий хусусиятларини ажратиб кўрсатди (1-расм).



1-расм. Рақамли иқтисодиёт хусусиятлари (Mesenbourg, 2001)

АҚШ иқтисодчиси Б.Имлах рақамли иқтисодиётни интернет иқтисодиёти ва янги иқтисодиёт сифатида талқин этилишини танқидий тавсифловчи мақоласида криптоиқтисодиёт сифатида қўлланилиши лозимлигини электрон тижорат ва электрон савдо тизимига асосланишидан фойдаланган ҳолда уни изоҳлаган (ZHAO XIAO BING, 2020).

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада рақамли технологиялардан фойдаланиш диспетчерлик хизматининг рақамли ривожланиши ва унинг хизмат кўрсатиш сифатининг оперативлигини оширишнинг ўзига хос жиҳатлари башорат қилинган. Шунингдек, регрессион таҳлил қилиш орқали қайси хизмат турларини рақамлаштиришга бўлган талаб ва унинг қамров даражасига таъсири бўйича таҳлил натижалар келтирилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилотининг даврий нашрларига кўра рақамли иқтисодиётнинг концептуал асослари ёнлошувлар ёрдамида бошқарилади. Мазкур ёндошувлар корхонанинг мамлакатнинг иқтисодий-стратегик инфратузилмасида эгаллаган ўрнига қараб бошқарувдаги функционаллашуви ва унинг аҳамиятини намоён эта олиш қобилиятини асослайди (2-расм).



2-расм. Рақамли иқтисодиётнинг концептуал ёндашувлари²¹²

Юқорида келтирилган концептуал ёндашувларнинг таснифига кўра корхоналарнинг кластерлашуви ва технопарклар билан ҳамкорлик фаолятининг ривожланишига туртки бўлди.

Пастдан юқoriga ёндашувда субъектларнинг гуруҳлашуви маълум кўрсаткичларнинг тармоқларни сараланиши орқали шаклланади. Бунда асосан тўлдирувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар ва ўзаро тармоқнинг умум соҳасини ташкил этувчи техноген корхоналар ташкил этади. Масалан, автомашиналар, уларнинг эҳтиёт қисмлари, унинг хизмат қилишидаги асосий воситалар: электр ва ёқилғи ва шу кабилар.

Бизнес аттракторларни ривожлантириш рақамли технологияларни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ барча саноат турларини қамраб олишини назарда

²¹² Report for the G20 Digital Economy Task Force. A roadmap toward a common framework for measuring the digital economy. Saudi Arabia, 2020.

<https://www.oecd.org/sti/roadmap-toward-a-common-framework-for-measuring-the-digital-economy.pdf>

тутади. Бунда тармоқларнинг савдо тизимига ва унга жавоб берувчи дастурларни ёки платформаларга сармоя қилишини назарда тутати (Барыкин, 2020). Бу марказлаштирилган савдога ишлаб чиқарувчилар аъзо бўлиш ёки унинг иштирокчисига айланишни истагида бўлишлари уларнинг рақамли иқтисодиётни бизнес аттрактор сифатида ривожланишига сабаб бўлади.

Юқоридан пастга асосланган ёндошувда умумий иқтисодий тенденцияларни аниқлаштириш ҳар бир рақамли технологиянинг қўлланилиши қўшимча қиймат яратишга қаратилганлиги билан изоҳланади (Digital Spillover, 2017). Рақамли баръерларга нисбатан рақамли трансформацияни амалга ошириш ҳар бир соҳа ёки тармоқнинг мажмуасини ташкил этувчи инфратузилмасининг рақамли технологик таъминланганлиги ҳамда ўзгаришларни муносиб қарши олувчи тизимга эгаллиги билан инновацион диффузияни амалга ошириш орқали юқоридан пастга мутаносиб ўсишни намоён этади (Hudson White, 2023). Бунга автомашиналарнинг тўлдирувчи маҳсулотларини ташкил этувчи таркибий корхоналарнинг ҳам рақамли технологияларга асосланган ишлаб чиқариш жараёнини олиб бориши мисол бўла олади. Муҳим самарадорликни ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичларни бошқариш рақамли иқтисодиётда платформалар орқали бошқарилиши ахборотларни йиғиш, уларни саралаш, савдони бошқаришни муқобиллаштириш, тижорат тезлигини ошириш, маҳсулотнинг камчиликларини маркетинг тадқиқотларини осон ўтказиш асосида бартараф этиш, шунингдек бизнес фаолиятининг узлуксизлигини таъминлашга кўмак беради (Brynjolfsson, McAfee, 2017).

Эгилувчан ва кўпдаражали ёндошув бугунги куннинг асосий тадбиқ этилаётган ёндошувли бошқарув тизими саналади, унинг интенсив рақамли технологияларни жорий этиши ишлаб чиқариш унумдорлиги ва самарадорликни оширишдаги улушини оширишга хизмат қилиши билан тавсифланади (Bill Schmarzo, 2020). Унинг таркибида ядровий қўлланилиши инфратузилманинг рақамлаштирилиши, яъни тубдан хизматларнинг рақамли иқтисодий хизмат қилишга асосланишини назарда тутати. Шунингдек, платформанинг иқтисодий қонуниятларга асосланганлиги бугунги кунда жамиятнинг барча соҳалари мослаштирилган дастурлар асосида бошқарув тизимининг адаптивлигини намоён этади (Hudson White, 2023). Жумладан, 1С бухгалтерия ҳисоби учун, STATA, SAAS сингари дастурлар асосида статистик ва эконометрик амалларни бажариш орқали корхонанинг келгуси жараёнлари юзасидан маълумотларни шакллантиб беради.

Рақамли технологияларнинг функционаллашуви ахборот технологияларнинг соҳа ва тармоқларга хизмат қилишига қараб мосшувчан бўла бошлади. Уларнинг функционаллашувининг кенгайиб бориши технологиядан фойдаланиш даражасини ҳам таснифини кенгайтди. Бизнес вазифаларни мобиллаштириш рақамли иқтисодиётнинг функцияларини ифодалайди. Бошқарув тизими асосларининг режалаштириш, мувофиқлаштириш, рағбатлантириш, тадбиқ этиш ва назорат қилиш функцияларининг рақамли иқтисодиёт учун тусланиши сифатида келтириш мумкин. Уларнинг функционллашуви стратегик ва операцион менежментнинг функционаллашувига кўра чуқурлаштириши, кенгайиши ва муқобиллаштирилиши мумкин бўлсада, асосий бошқарув тизими функцияларининг андозасидан келиб чиқилади.

Рақамли иқтисодиётнинг функцияларидан келиб чиққан ҳолда унинг тамойиллари шакллантирилади. Рақамли иқтисодиётнинг жамият ҳамда давлатб ҳукумат шунингдек ишлаб чиқариш соҳа ва тармоқлари учун таъсир этиш омиллари тамойилларнинг асосномаси сифатида тавсифланади.



3-расм. Рақамли иқтисодиётнинг бошқарув функциялари (Hudson White, 2023)

Рақамли иқтисодиётнинг омилларини тавсифлаш ўта беқарорлигини инобатга олган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунга келиб мазкур омилларнинг ўзгариши содир бўлишига қарамасдан рақамли баръерлар юзага келмайди ҳамда рақамли дектокс жараёни амалга оширилмайди. Шу боис, таъсир этувчи омиллар таҳлил ва тижоратлаштиришга қаратилган жараёнларнинг асосий аспекти саналади. Шунга кўра, уларни асосий инфратузилмавий жиҳатдан тавсифланиши барқарорлик ва рақобатбардошлилик, ишлаб чиқариш ва самарадорликни турғунлигини ушлаб туриш, самарадорликб унумдорлик ҳамда иқтисодий ўсишни барқарор суръатини сақлай олишни асослаб беради. Бунинг учун заиф томонларни баҳолаган ҳолда рисклар сифатида тарғиб қилиниши ҳамда изоҳланиши орқали амалга оширилади. Жамиятнинг шаклланиши ва жамият қарашларининг такомиллашувиб ишлаб чиқариш секторининг ривожланишиб рақамли иқтисодиёт учун муҳит ва унинг иштирокчилари кўлами сингари йирик жиҳатларга бўлинади. (4-расм)

4-расмга биноан рақамли иқтисодиётнинг инсониятнинг ҳар қайси ва тармоғиб шунинг аҳоли турмуш шароити ва тарзига таъсири қулайликлар, тезкор ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулотларнинг қўшимча қиймат яратишига қартилган бошқарув тизимлари ва стратегияларини қамраб олади.



4-расм. Рақамли иқтисодиёт такомиллашувининг жамият, ишлаб чиқариш ҳамда ҳукуматга таъсир этувчи омиллари²¹³

²¹³ United nations "ECLAC". Digital agenda for Latin America and the Caribbean.eLAC-2022. Digital yechnologies for new generation. 95 p

Хулоса ва таклифлар.

Рақамли иқтисодиётнинг хизматларни марказлаштиришдаги ўрни бугунги кунга келиб қўнғироқлар маркази ҳамда диспетчерлик хизматларининг такомиллашувига туртки бўлмоқда. Рақамли иқтисодиётнинг такомиллашувига таъсир этувчи омилларнинг барчаси инсон омили иштирокида амага оширилади. Бу марказий диспетчерлик хизматининг алоҳида бўлим ва йўналиш сифатида юритилиши, шунингдек унинг корхона учун зарурий ахборотларни қайд этиб бориши, маркетинг тадқиқотлари учун зарурий андозали жадвалларни тўлдириб бориши ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида лойиҳалар тақдим эта олиши мумкинлиги жиҳатдан аҳамиятли саналади.

Хизматларнинг марказлашуви “call center”-қўнғироқлар маркази ва уни бошқарувини назорат қилувчи диспетчерлик хизмати асосида мувофиқлаштирилади.

Бугунги кунга келиб, рақамли технологиялардан фойдаланиш диспетчерлик хизматининг рақамли ривожланиши ва унинг хизмат кўрсатиш сифатининг оперативлигини ошириш юзасидан такомиллашуви ўзига хос бизнес-моделларни амалиётга тадбиқ этишни тақозо этмоқда. Диспетчерлик хизмати рақамли иқтисодиётда асосан ижтимоий соҳа ва тармоқларда қўлланилади.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Bill Schmarzo. (2020) *The Economics of Data, Analytics, and Digital Transformation: The theorems, laws, and empowerments to guide your organization's digital transformation.* Publisher: Packt Publishing. November 30, 260 pages.

Digital Spillover. (2017) *Measuring the true impact of the digital economy.* Oxford Economics. Huawei Technologies Co., Ltd.. 56 p.

Erik Brynjolfsson, Andrew McAfee. (2017) *Machine, Platform, Crowd: Harnessing Our Digital Future.* Audible Audiobook – Unabridged. June 27.

Hudson White (2023). *The Digital Economy.* Publisher: Willford Press September 26, -254 p

Kluver, (2010) *Randy Globalization, Informatization, and Intercultural Communication.* Oklahoma City University. Мурожаат санаси: 18 август.

Mesembourg, T.L. (2001). *Measuring the Digital Economy.* U.S. Bureau of the Census.

Rick DeLisi. (2021) *Digital Customer Service: Transforming Customer Experience for an On-Screen World* 1st Edition. Publisher: Wiley. August 31, 256 pages.

Steve Kinney. (2018) *Electron in Action* 1st Edition, Kindle Edition Publisher: Manning, October 2, 376 p.

ZHAO XIAO BING. (2020) *Ark's Digital Economy Innovation History by Zhao Xiaobing.* CITIC Publishing House(Chinese Edition) October 1, -475 p.

Матвеев И.А. (2012) *Электронная экономика: сущность и этапы развития//Управление экономическими системами: электронный научный журнал.* — Вып. 6.

Сергей Евгеньевич Барыкин (2020). *Economics of Digital Ecosystems.* Journal of Open Innovation: Technology, Market, and Complexity. Volume 6, Issue 4, December, 124.